



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (13.734)

Баҳоси эркин нарҳда

ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ТАРАҚҚИЁТГА, БУНЁДКОРЛИК ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, аввал белгиланган вазифалар ижроси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улуғбек шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида бўлди.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги замон ҳар қандай мамлакат олдида нефть, газ, кўмир каби қайта тикланмайдиган энергия манбаларини тежаш, ресурсларнинг мубоқабалидан фойдаланган ҳолда иқтисодий тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш талабини қўймоқда. Юртимизда энергетика соҳасини изчил технология модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Россиянинг "Росатом" давлат корпорацияси билан ҳамкорликда атом энергетикасини барпо этишга киришилди.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони энергия ҳосил қилувчи қувватларни кўпайтириш ҳисобига аҳоли ва иқтисодий тармоқларини энергия билан барқарор таъминлаш, энергетика секторини диверсификация қилиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва ушбу йўналишларга илгор инновация технологияларни жорий этиш мақсадларини кўзда тутди. Ушбу йўналишдаги давлат сиёсати ва атом энергетикаси соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон АЭС учун асосий ҳомаёб бўлган уран захираси бўйича дунёда еттинчи ўринда туради. Бу захирадан унумли фойдаланиш учун мавжуд илмий-тадқиқот базасини такомиллаштириш, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган мутахассислар тайёрлаш талаб этилади. Шу боис УЗФА Ядро физикаси институти базасида Москва муҳандислик-физика институти филиалини очиб режалаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 17 февралдаги қарори билан янгидан ташкил этилган Ядро физикаси институтида 10 мегаваттлик илмий-тадқиқот ядро реактори ишлаб турбди. Унда радиоизотоплар ишлаб чиқарилиб, тиббиёт муассасаларида қўлланилмоқда, 12 мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари институти ҳудудида ташкил этиладиган Москва муҳандислик-физика институти филиали лойиҳаси билан танишди. Филиал жойлашадиган кампус ўқув биноси, талабалар учун турар жой, ўқитувчилар учун меҳмонхона, ошхона, спорт майдони, дам олиш масканларини ўз ичига олади. Яшаш манзилидан ўқув корпусига келадиган 600 метрлик йўл бўйлаб яшил хиёбон яратилди. Филиал энг замонавий жиҳозлар, юқори технологик ускуналар билан таъминланган.

Бу институт мамлакатимизда барпо этиладиган атом электрстанциясига ҳамоҳанг бўлиши керак, — деди Президентимиз. — Келгусида Мирзо Улуғбек шаҳарчасидаги эски маданият саройи ва унинг атрофи замонавий қиёфга кирди. Олимларнинг меҳнат қилиши, илм-фанни ривожлантириш учун халқаро стандартларга мос шароитлар яратилди.

Президентимиз ушбу шаҳарча олимлар маскани бўлиши кераклигини, яқин вақтларда бу ерга бошқа илмий-тадқиқот институти қурилишини таъкидлади. Шу мақсадда шаҳарнинг Бош режасини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди. Шаҳарча ҳудудини кенгайтириб, институти учун бинолар, кўп қаватли уйлар, математика ва физика фанларига ихтисослашган мактаб, болалар боғчаси қуриш, шаҳар маркази билан транспорт қатновини яхшилаш, ер усти метроси ҳаракатини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Ядро физикаси институти залида Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институти вакиллари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш мақсадида олимлар билан учрашувлар ўтказиш аъёнага айланди. Давлатимиз раҳбари жорий йил 6 апрель куни Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида олий таълим ва УЗФА илмий-тадқиқот институти раҳбарлари билан учрашувда фан билан ишлаб чиқариш тўғрисидаги интеграцияни мустаҳкамлаш бўйича зарур топшириқлар берган эди. Мулоқот чоғида бу борадаги вазифалар ижроси ҳақида сўз борди.

Илм-фанга юртимизда катта эътибор қаратилаётгани, кейинги бир йилда соҳага доир 11 фармон ва қарор қабул қилингани қайд этилди. Лекин шунча саяёҳ-ҳаракатларга қарамай, илмий изланишлар етарлича қўллаб-қувватланмаётгани танқид қилинди.

— Илм-фанда халқимиз манфаатига хизмат қиладиган ўз йўлимизни топмасак, эртага ёшларимиз бизни кечирмайди. Иқтисодийимиз ҳанчон барқарор бўлади? Фанни ривожлантирсак. Илм ўз-ўзидан бўлмайди, унга машаққатли меҳнат, давлат миқёсида эътибор керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ҳар бир илмий ишга маҳсулот сифатида қараладиган, унинг харидори олдиндан

аниқ бўладиган тизим яратилсагина мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидлади. Илмий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион доллар грант ажратилиши, илмий-тадқиқот институти ходимларининг маошлари бир неча баробар оширилишини маълум қилди.

Ёш авлоднинг миллий ва жаҳон илм-фан ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштиришга интилишини рағбатлантириш, ўқувчиларнинг фундаментал фан асосларини пухта эгаллаши учун шарт-шароит яратиш мақсадида ихтисослашган мактаблар ташкил этилаётгани, мактаб ёшидан бўлғуси олимларни тайёрлаш, уларнинг инновацион ва новаторлик қобилиятини ошириш, иқтидорини рўёбга чиқариш бўйича тизимли ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Соҳада тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни илмий фаолиятга жалб қилиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда академик фан салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича топшириқлар берилди.

Тадбирда Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, инновацион ривожланиш вазири И.Абдурахмонов, УЗФА Ион плазма ва лазер технологиялари институти директори Х.Ашуров, академиклар А.Аскарлов, С.Баҳромов ва бошқалар мамлакатимизда илм-фаннинг ҳар бир йўналишини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар бошлангани, физика-математика соҳаси олимлари билан мазкур учрашув атомни ўрганиш фани ва ядро технологияларини ривожлантиришга оид комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб олишда муҳим қадам эканини алоҳида қайд этдилар.

Тошкент йиррик мегаполисга айланмоқда. Шунга монанд улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари аҳолининг талаб ва эҳтиёжи, пойтахтимизнинг келгуси ривожланишини инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳри бўйлаб ер усти халқа метро линиясини қуриш бўйича топшириқ берган эди. Қисқа фурсат ичида кенг қўламли қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Президентимиз Тошкент шаҳри бўйлаб барпо этилаётган ер усти халқа метро линияси қурилиши билан танишди.

Умумий узунлиги 52,1 километрдан иборат мазкур метро йўналишининг 50,5 километри баландлиги 6 метрлик эстакадалар орқали ўтказилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 422,3 миллион долларга тенг. Лойиҳа доирасида 2 мингга яқин таянч устунлар ва оралик тўсинлар, 13 мингга яқин темир-бетон балкалар ўрнатиш ва 35 бекат қуриш назарда тутилган.

Қурилиш ишлари беш босқичда амалга оширилади. Дастлаб Тошкент метрополитенининг "Дўстлик" бекатидан Қўйлик бозоригача бўлган қисми қурилади. 11 километрик масофада 8 бекат бунёд этиш мўлжалланган.

Иккинчи босқичда Қўйлик бозори билан "Олмазор" бекати боғланади. Сўнгра бу ердан "Беруний" бекатигача бўлган масофада қатновлар йўлга қўйилади. Кейинги босқичда "Беруний"дан "Бодомзор" бекатигача қурилиш ишлари олиб борилиб, сўнгги босқичда "Дўстлик" бекатига уланади.

Президентимиз шу йилнинг июнь ойида ушбу қурилиш жараёни билан танишиб, бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш ва сифатли яқунлаш бўйича топшириқлар берган эди.

Бугунги кунга қадар халқа метро йўлининг 4 километр қисмида қурилиш ишлари амалга оширилиб, 206 та таянч устуни учун қотлован қазिश ишлари бажарилган. Устунлар устига қўйилган темир-бетон таянч ўрнатиш ишлари бошланган. Устунлар оралигини бирлаштирувчи 16 та темир-бетон балка ўрнатилган.

Қурилиш ишлари 60 дан ортиқ техника ва меҳанизм ҳамда 400 нафар муҳандис ва ишчи жалб қилинган. Метро қурилиши "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонаси бунёдкорлари томонидан амалга оширилмоқда.

— Бу транспорт тармоғи ишга тушишини халқимиз интиқлиқ билан кутмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев. — Арзон ва хавфсиз бўлган мазкур транспорт тармоғи аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратади. Энг муҳими, бу бошқа жамоат транспортларидаги юкларни ўзига олади, шаҳар марказидаги тирбандликни камайтиради. Шунинг учун қурилишнинг имкон қадар тезроқ яқунлашимиз керак.

Давлатимиз раҳбари ер усти халқа метро линияси қурилишида эътиборга олиш лозим бўлган жиҳатларга алоҳида тўхталди. Бунёдкорлик ишлари узлуksизлигини таъминлаш, унинг атрофини ободонлаштириш, "Дўстлик" бекатидан Қўйлик бозоригача ва Қўйлик бозоридан "Олмазор" бекатигача бўлган қисмини 2019 йил Наврўз байрамигача фойдаланишга топшириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Айни пайтда халқа метро линиясидаги поезд ва бошқа техника воситаларини бошқариш учун 50 на-

фарга яқин мутахассис Жанубий Корея ва Хитойда малака оширмоқда. Метрода ҳаракатланадиган янги поезд вагонлари ҳам тайёрланмоқда.

Шавкат Мирзиёев Сергели тумани "Чоштепа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги янги уй-жойлар қурилишини бориб кўрди.

Бу ерда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ажратилган 30 гектар ерда чет эллик инвесторлар иштирокида янги қурилиш технологиялари асосида 4 минг 20 хонадонга мўлжалланган 72 та 7 қаватли уй қурилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилдан мамлакатимизнинг барча шаҳарларида турар жойга муҳтож оилалар учун арзон уй-жойлар қурилиши бошланди. Бундай уйлар Тошкент шаҳрида узок йиллардан бунён қурилмаётган эди. Янги уйлар асосан қиммат тижорат уйлари бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва бюджет ташкилотларида ишлайдиганлар уларни олиш имкониятига эга бўлмаган.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Сергели туманида 2017-2022 йилларда 500 кўп қаватли уй қурилиши бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Бу йиррик лойиҳанинг амалга оширилиши қарийб 30 минг оиланинг уй-жойга эҳтиёжини таъминлаш имконини беради.

Мазкур дастур ижроси доирасида 2017 йилда туманда 102 кўп қаватли арзон уй қурилиб, 4 минг 88 хонадон ўз эгаларига топширилди.

Тошкент шаҳрида барча манбалар ҳисобидан қарийб 28 минг хонадонли 638 кўп қаватли уй қурилмоқда. Жумладан, замонавий лойиҳалар асосида жами 15 минг 740 хонадонли 334 арзон уй барпо этилмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 3 баробар кўпдир.

Чоштепа маҳалласида қурилаётган уйлар маҳаллий бюджетга қўшимча тушумлар ва хомийлар маблағлари ҳисобидан барпо этилаётгани билан аҳамиятлидир. Уйлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасаруфида бўлиб, хонадонлардан бир қисмини уй-жойга муҳтож ногиронларга бепул тақдим этиш, қолганларини эҳтиёжманд оилаларга вақтинча яшаб туриш учун ва кейинчалик имтиёзли кредит расмийлаштирган ҳолда хусусий мулк сифатида бериш белгиланган. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, мазкур уйлар жорий йилнинг 20 декабрга қадар фойдаланишга топширилади.

Президентимиз қурилиш жараёни билан танишар экан, уларнинг мустаҳкам ва пишиқлигига, уларни қуришда замонавий, янги ва самарадор технологиялардан фойдаланилаётганига эътибор қаратди.

— Уй қурилишида ҳар жиҳатдан қулай ва сифатли таъминловчи илгор технологиялардан фойдаланиш кўламини янада кенгайтиришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Мамлакатимизда бу каби уйлар қурилиши тизими давом этишида. Шу боис қурувчи кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ёшларимиз қурилиш санъатида энг сўнгги технологияларни, инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этишга қодир бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбари уй қуришнинг замонавий ютуқларини ўзлаштириш, бундай уйларни бошқа жойларда ҳам лойиҳалаштириш бўйича топшириқлар берди.

Узулиги 7,1 километр бўлган Тошкент метрополитенининг Сергели линияси қурилишини 2020 йилга қадар яқунлаш кўзда тутилган. Сергели метро линияси ҳозиргача Марказий Осиёда қўлланилмаган бутунлай янгича — эстакада усулида бунёд этилмоқда. Мазкур линия кўприксимон тарзда қурилади, поездлар ер устида ҳаракатланади. Бекатларда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида махсус лифт ва эскалаторлар ўрнатилади.

Лойиҳа қиймати 105 миллион долларга тенг. Унинг доирасида 265 жуфт таянч устун ва оралик тўсинлар ўрнатиш, 6 та йўловчи бекати ва 6 та электр таъминоти станциясини қуриш кўзда тутилган. Метронинг Сергели йўналиши Чилонзор йўналишининг "Олмазор" бекатидан бошланиб, "Йўлдош" даҳасигача бўлган ҳудуддан ўтади.

Айни пайтда лойиҳанинг 5 километр қисмида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. 130 жуфт таянч устунлар ўрнатилган. Улар устига 60 та оралик тўсинлар қўйилиб, бирлаштирувчи балкалар ўрнатиш ишлари бошланган.

Қурилиш ишлари 70 дан ортиқ техника ва меҳанизм, 350 нафар малакали муҳандис ва ишчилар жалб қилинган. Жорий йил якунига қадар 6 километр масофада темир-бетон конструкцияларни монтаж қилиш ҳамда 3 метро бекатини қуриш ишлари тугалланиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда қурилишнинг боришини кўздан кечирди. Метрони сифатли, қулай ва хавфсиз қилиб қуриш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида қурилиш режалаштирилган 9 қаватли уйлар лойиҳаси тақдироти ҳам ўтказилди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Алоуддин ҒАФФОРОВ,
УЗА махсус мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА "ММФИ" МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ЯДРО УНИВЕРСИТЕТИ" ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика саноат тармоқлари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, "Росатом" атом энергияси бўйича давлат корпорацияси, "ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети" федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) Тошкент шаҳрида "ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети" федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини (кейинги ўринларда "ММФИ" МТЯУ филиали деб юритилади) таъсис этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар "ММФИ" МТЯУ филиали фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисоблансин:

ядро энергетикаси ва иссиқлик физикасининг тармоқ эҳтиёжларини қондириш учун энг муҳим илмий-технологик ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва илм-фан узлуksизлиги ва изчиллиги принципи, шунингдек, жаҳон таълим ҳамда илмий ҳамжамиятига мувофиқ равишда албатта интеграциялаштириш асосида ривожлантириш;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲАҚИ МИҚДОРINI ЯНАДА ОШИРИШ, ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИК ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларнинг касби обрўси ва нуфузини ошириш, малакали кадрларни илмий ва педагогик фаолиятга жалб этиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, шунингдек, олимлар ва ўқитувчиларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларида кенг қўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишда иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари хо-

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ БЎЛГАНИМДАН БАХТИЁРМАН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 20 июль куни Ядро физикаси институтида Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институти вакиллари, академиклар, олимлар ва ёш тадқиқотчилар иштирокида ўтказган учрашувда юртимиз тараққиёти учун хизмат қилаётган салоҳиятли кадрларни, уларнинг онла аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб турмуш шароитини яратиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари, оилавий шароити, муаммолари билан қизиқди.

Ядро физикаси институти илмий котиби Сайрамбой Игамов сўзга чиқиб, олимлар, зиёлиларга алоҳида эътибор қаратилаётгани, кенг имкониятлар яратилаётганини таъкидлаб, миннатдорлик билдирди. Тошкент вилояти Қирғиз тумани тиббиёт бирлашмасида катта рентген лаборатория лавозимида ишлаётган рафикаси 1993 йилдан бунён Ўзбекистон фуқаролигини ололмаётганини айтиб, шу масалада ёрдам беришни сўради.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ШАҲРИДА "ММФИ" МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ЯДРО УНИВЕРСИТЕТИ" ФЕДЕРАЛ
ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ядро физикаси соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар ўтказиш;

муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ўқитишнинг педагогик услублари ва технологияларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ мuddатли муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустақамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

"ММФИ" МТЯУ филиали олий таълим муассасаси – юридик шахс мақомига эга бўлган нотижорат ташкилот шаклидаги Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади;

"ММФИ" МТЯУ филиали "ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети" федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда – бош муассаса) алоҳида бўлиниши сифатида кадрларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, бош муассаса билан келишилган ўқитишнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича мутахассислар тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади, шу жумладан, илмий-педагог кадрлар тайёрлайди;

"ММФИ" МТЯУ филиали ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади;

"ММФИ" МТЯУ филиалида ўқитиш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларининг талаблари инобатга олинган ҳолда, бош муассаса томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари бўйича амалга оширилади;

"ММФИ" МТЯУ филиалининг таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошланади;

"ММФИ" МТЯУ филиалига абуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, бош муассаса томонидан белгиланган талаблар, тартиб ва мuddатларга мувофиқ амалга оширилади;

"ММФИ" МТЯУ филиали битирувчиларига ўқуш тасдиқланганидан сўнг бош муассасанинг белгиланган намунадаги дипломи берилсади ва бу диплом Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади.

4. Бош муассаса:

ўқув жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологиялари, илм-фан ва техниканинг энг янги ютуқлари жорий этилишини;

"ММФИ" МТЯУ филиали мутахассисларининг малакасини оширилишини ва профессор-ўқитувчиларининг қайта тайёрланишини;

"ММФИ" МТЯУ филиали кутубхона фондининг шакллантирилиши ҳамда замонавий ўқув-ўқув-ўқув ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдирилишини таъминлашга қўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Қўйидагилар:

"ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети"

федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) Тошкент шаҳридаги филиалида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлари) 1-иловага мувофиқ;

"ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети" федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) Тошкент шаҳридаги филиали Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши) таркиби 2-иловага мувофиқ;

"ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети" федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) филиалини Тошкент шаҳрида ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия таркиби 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси, Хуросон кўчаси, 1-ўйда жойлашган қурилиш тугалланмаган радиокимёвий комплекс унга туташ ҳудудлари билан бирга бегараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида кейинчалик жойлаштириш учун "ММФИ" МТЯУ филиалига берилсин.

7. Ташкилий комиссия (А.С.Султонов):

2019 йил 1 июлга қадар мuddатда "ММФИ" МТЯУ филиали бино ва иншоотларининг реконструкция қилиниши, шунингдек, "ММФИ" МТЯУ филиали талабалари ва ўқитувчилари яшаш учун ётоқхона тайёрланиши;

2019 йил 31 августга қадар мuddатда "ММФИ" МТЯУ филиали жойлаштирилиши ҳамда унинг зарур мебель, инвентарлар, замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва бошқа ташкилий техника, кутубхона фонди билан жиҳозланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда уларга "ММФИ" МТЯУ филиалининг бино ва иншоотларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш юзасидан лойиҳаларнинг белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

а) "ММФИ" МТЯУ филиалига қабул квотаси манфаатдор вазирилик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги, бош муассаса билан келишилган ҳолда тайёрланган, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг асосланган тақлифлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжини ҳар йили таҳлил қилиб боради ҳамда таҳлил натижасига кўра "ММФИ" МТЯУ филиалига келгуси ўқув йилларида таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаларни қабул қилиш сони юзасидан тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

б) Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ "ММФИ" МТЯУ филиали ходимларига уларнинг юқори малакаси, ихтисослаштирилган компьютер комплекслари би-

лан ишлаш кўникмалари учун "ММФИ" МТЯУ филиалининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шахсий устама белгиланиши мумкин;

в) "ММФИ" МТЯУ филиалининг давлат грантлари асосида ўқиган битирувчилари республика ишлаб чиқариш-саноат тармоқлари ташкилотларида камида беш йил ишлаб бериш шарти билан ишга тақсимланади;

г) "ММФИ" МТЯУ филиалининг фаолияти:

"ММФИ" МТЯУ филиалига давлат грантлари бўйича қабул қилинадиган талабаларни ўқитиш, шунингдек, ядро энергетикаси ва технологияларини ривожлантириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун Фанлар академиясига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;

Васийлик кенгашининг қарорлари асосида шакллантирилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳўмийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари;

халқаро молия институтларининг грантлари; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

д) "ММФИ" МТЯУ филиалини ташкил этиш, унинг моддий-техника ва ўқув базасини шакллантириш бўйича ташкилий-амалий тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан, таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш, бино ва иншоотларни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва бошқа ташкилий техника билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ва Васийлик кенгаши томонидан шакллантирилган маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

е) бош муассасадан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш; 30 суткагача бўлган қисқа мuddатли хизмат сафарлари бўйича – Россия Федерациясининг қонун ҳужжатлари билан олий таълим муассасалари ходимлари учун назарда тутилган нормаларга мувофиқ;

узок мuddатли хизмат сафарлари бўйича, ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда – тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

ж) "ММФИ" МТЯУ филиалини сақлаш учун бюджетдан ажратилган маблағлар 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг "Маориф" учун харажатлар параметрларида назарда тутилади.

10. "ММФИ" МТЯУ филиалига ўқитувчилик ва илмий ишлар учун тақлиф этиладиган хорижий профессор ва ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тўлашга руҳсат этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош муассаса ҳамда "Ўзбекнефтегаз" АЖ билан биргаликда:

бир ой мuddатда белгиланган тартибда "ММФИ" МТЯУ филиалининг таълим ҳужжатлари ишлаб чиқиши, келишилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини; икки ой мuddатда "ММФИ" МТЯУ филиали ташкилий тузилмасининг тасдиқланишини;

2019 йил 1 августга қадар мuddатда "ММФИ" МТЯУ

филиалининг малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан танлов асосида тўлдирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "ММФИ" МТЯУ филиалига иккита энгил хизмат автотранспорт воситасини, шу жумладан, битта бириктирилган автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "ММФИ" МТЯУ филиалининг буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "ММФИ" МТЯУ филиалининг буюртмаларига биноан хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "ММФИ" МТЯУ филиалининг буюртмаларига биноан "ММФИ" МТЯУ филиалини ташкил этишда ва унинг фаолиятида иштирок этувчи хорижий малакали мутахассисларни республикага жалб қилишга белгиланган тартибда руҳсатномалар беришни (узайтиришни), шунингдек, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тасдиқнома беришни (узайтиришни) таъминласин.

16. "ММФИ" МТЯУ филиали 2021 йил 1 январга қадар мuddатда "ММФИ" МТЯУ филиалини жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарь ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – "Ўзбекнефтегаз" АЖ бошқаруви раиси А.С.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲАҚИ
МИҚДОРINI ЯНАДА ОШИРИШ, ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИК
ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг:

2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқаруви аппарати ходимларининг иш ҳақи миқдорини 2 баравар ошириш;

2018 йил 1 сентябрдан илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазибалари юклатилган илмий-тадқиқот муассасалари муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақи миқдорини эгаллаб турган лавозими ва илмий фаолият соҳасидан келиб чиқиб, 30 фоиздан 100 фоизгача табақалаштирилган миқдорда ошириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ва инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий ходимлари, илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазибалари юклатилган илмий-тадқиқот муассасаларининг муҳандис-техник ходимлари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи миқдори қуйидаги икки босқичда оширилсин:

2019 йил 1 январдан – 20 фоизга;

2019 йил 1 июлдан – 25 фоизга.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги 2018 йил 25 июлгача бўлган мuddатда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқаруви аппарати ходимлари

ва илмий-тадқиқот муассасалари муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақи миқдорини ушбу қарор талабларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор талабларига мувофиқ 2018 йил 1 ноябргача бўлган мuddатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ва инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий ходимлари, шунингдек, олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим машоаларини тасдиқласин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги Фанлар академияси, Молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан биргаликда икки ой мuddатда илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) унинг "Ипотеч банк" АТБда 100 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги ҳисобрақамларини очган ҳолда ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

7. Жамғарманнинг асосий вазибалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ижтимоий-иқтисодий соҳани янада ривожлантириш мақсадида илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини жадвал ва кенг жорий қилиш;

илмий ва илмий-техник фаолиятни юқори технология тадбиркорлик стартап-лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш орқали амалий натижаларга эришиш учун йўналтириш;

тадқиқотларни амалга ошириладиган стартап-лойиҳаларда таъсисчи сифатида иштирок этиш орқали тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ва технологияларни жадвал ишлаб чиқишга йўналтириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Фанлар академияси, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, шу жумладан, Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини баҳолаш ва танлашнинг аниқ мезонларини назарда тутувчи ҳуқумат қарори лойиҳасини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин;

Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов ва Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон Республикасининг молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 июль

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ
БЎЛГАНИМДАН БАХТИЁРМАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

С.Игамов турмуш ўртоғи билан 2 фарзанди воғга етказган. Уларнинг каттаси Турин политехника университетини битириб, ҳозирда "Лукойл" компаниясида ишламоқда. Иккинчи фарзанди Тошкентдаги Инха университети талабаси.

Давлатимиз раҳбари илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, фидойи олимларни қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазибалардан бири эканлигини таъкидлаб, С.Игамовнинг илтимоси ижобий ҳал этилишини билдирди.


Шу куннинг ўзида Президент фармони билан Тошкент шаҳар ҳоқими вазифасини бажарувчи Ж.Ортиқхўжаев

Д.СУННатов,
ЎЗА мухбири

Қарор ва ижро

ЯНГИ БОЛАЛАР ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИШГА ТУШДИ

Мамлакатимизда давлатимиз томонидан ёшларнинг юксак орзу-интилишларини, иқтидор ва изланишларини рўёбга чиқариш, ҳаётини манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, сифатли таълим-тарбия бериш борасида бир қатор изчил ишлар амалга оширилмоқда.



Биргина нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, таълимнинг юқори сифатини таъминлаш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда нодавлат хизмат кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар учун қўлай шарт-шароитлар яратиб беришда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 сентябрдаги "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Чилонзор туманида янги замонавий кўринишга эга, жаҳон андозларига тўлиқ жавоб берадиган "СНICO" номидаги нодавлат таълим муассасасининг очилиши ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг яна бир яққол намунаси.

Мазкур даргоҳнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи А.Ҳакимов, Чилонзор туман ҳокими вазифини бажарувчи Д.Хидоятлов ва бошқалар Президентимиз раҳнаомлигида таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқитиш

сифатини янада юксалтириш, замонавий технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратиш ва энг асосийси нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлашди.

– Бугунги кунда Чилонзор туманида жами 81 мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан 56 таси давлат ва 25 таси нодавлат таълим муассасалари ҳисобланади, – дейди Чилонзор туман мактабгача таълим бўлими мудири ўринбосари Нарғиза Расулова. – Ушбу таълим муассасаларимизда ўн етти мингдан зиёд мактабгача ёшдаги болажонлар тарбияланмоқда. Жажжи болажонларимизнинг истиқболли эртаси ва нури келажакга замин яратиш, бахтли болалигини ҳар томонлама муҳофазалаш, иқтидорларини шакллантириш, уларни комил инсонлар қилиб вояга етказиш йўлида жонқуярлик ва фидойилик билан иш олиб бориш бугунги педагогларнинг асл вазифини ташкил қилади. Бу янги таълим муассасаси болаларнинг билимли, зукко ва салоҳиятли авлод вакиллари бўлиб етиштиришда муҳим аҳамият касб этади.

50 ўринга мўлжалланган "СНICO" номидаги нодавлат таълим муассасаси жорий йилнинг 1 августидан бошлаб болажонларни ўз бағрига қорлайди. Рус,

инглиз, корейс тилларида ва ментал арифметика йўналишида машғулотлар олиб бориладиган ушбу маскан ҳафтанинг олти кунини давомиди фаолият юритади. Унда малакали педагог-тарбиячилар билан бир қаторда педиатр, психолог, логопед, ортопед йўналишидаги шифокорлар фаолият олиб боради.

Ўртбошимизнинг топшириқларига асосан Чилонзор туманида истиқомат қилаётган боғча ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш мақсадига 2018-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Унга кўра туман ҳокимининг қарори билан 16 та янги типдаги замонавий кўринишга эга бўлган хусусий мактабгача таълим муассасалари қуриш ва фойдаланишга топшириш учун тадбиркорлар кенг жалб қилинган.

Шунингдек, уларга ер майдонлари ажратиладиган бўлиб, айни дамда қурилиш ишларини олиб бориш ва амалга ошириш учун мақсадли ва режали ишлар ташкил этилмоқда.

Гуллигор САТТОВА

СУРАТДА: очилиш маросимида лавҳалар Козим Улмасов олган суратлар

ТАЖРИБА ВА МАЛАКА МАКТАБИ

Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институти курсантларига соҳада кўп йиллардан буйн самарали хизмат қилиб келаётган, бой амалий тажрибага эга ходимлар мураббий этиб бириктирилган, дея хабар беради ЎЗА.

Курсантларнинг машғулотларда олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаши, танлаган касбининг сир-асрорларини чуқурроқ эгаллаши, ўзига муносиб иш ўринларини танлаши учун малакавий амалиёт муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда институтнинг 69 нафар 4-босқич курсантлари навбатдаги малакавий амалиётини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ёнгин хавфсизлиги бошқармаларида ўтатмоқда. Бундан ташқари, 90 нафар 2-босқич ва 69 нафар 3-босқич курсантлари Тошкент шаҳар Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси тизимларига амалиёт ўташ учун юборилди.

Курсантларга содир бўлган ёнгинларни ўчириш, тезкор ҳаракатланиш, хизмат ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби, навбатчи смена шахсий таркибига раҳбарлик қилиши, фуқароларнинг ички ишлар органлари ходимларига бўлган ишончини ошириш борасида ҳам керакли тушунчалар берилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ

АБАЙ ИЖОДИ ЎЗБЕК ИХЛОСМАНДЛАРИ АРДОҒИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан "Абай Қўнонбоевнинг ижодий мероси ўзбек халқи учун қадрлидир" мавзуида ижодий кеча ўтказилди.

Президентнинг жорий йил 13 мартдаги "Буёқ қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори қардош Қозоғистон халқига, унинг бетакрор адабиёти ва маданиятига бўлган улкан ҳурматнинг ифодасидир.

Мазкур қарор ижроси доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика қозоқ миллий маданий маркази ҳамкорлигида ўтказилган ижодий кечада Абайнинг ўз халқига чексиз меҳр-муҳаббати, уни умумбашарий шоирга айлантирган она Ватанга садоқати, эл-юрт тақдирини йўлидаги жонқуярлиги ва фидойилиги барча учун ўрнак экани таъкидланди.

Абай ҳаёти ва фаолияти таҳлил этилганда, унинг қандай чигириклардан ўта

олган улғу шоир, миллат булбули экани ҳақида фикрлар билдирилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар ўзаро маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, икки халқ ёшларини адабиётнинг улғу намоёндалари ижоди билан кенг таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Қозоқ адабиёти ривожидида Абай ижодининг ўрни", "Абай – қозоқ халқининг ёрқин юлдузи" мавзуларида маърузалар тингланди. Шоирнинг ҳаёти ва ижода ҳақида ҳикоя қилувчи "Абай қозоқ ва ўзбек халқларининг ёрқин юлдузи" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири

СУДЪЯЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда биринчи марта лавозимга тайинланган жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлари судьяларининг қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

Судьялар, Судьялар олий кенгаши аъзолари, ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда Олий суд раиси К.Комилов ва бошқалар мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда юртимизда суд-ҳуқуқ соҳаси фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли суд қарорлари чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мажлисда Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 12 июлдаги қарори билан илк бор беш йиллик муддатга судьялик лавозимига тайинланган 25 нафар судья қасамёди эшитилди.

– Қасамёд барчамиз учун юксак шараф бўлиб, улкан масъулият юклайди, – дейди жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Нишон тумани суди раиси лавозимига тайинланган Шаҳобиддин Ҳасанов. – Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини оши-

риш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Одил судловни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш бўйича вазибаларни белгилаб берди. Ушбу вазибалардан келиб чиқиб, биз ҳам бошланаётган фаолиятимизда адолат меzonларини асос қилиб олишимиз зарур. Ана шундай масъулиятли вазифага киришар эканман, юрагим ҳаяжонга тўлган.

Тадбирга ташриф буюрган ота-оналар янги судьяларга оқ фотиҳа бериб, энг яхши тилакларни билдирди. – Ўғлимнинг халқ манфаатини ҳимоя қилувчи масъулиятли вазибаларга таянган бўлиб, қасамёд қабул қилганидан қалбим гурурга тўлди, – дейди ЎЗА мухбирига сирдарёлик Зулфия ая Қурбонова. – Ўғлим шундай шарафли қасб эгаси бўлиб, вилоятимиз аҳолисига сиздиқилдан хизмат қилишига ишонман. Ҳар бир ота-она учун фарзанди эришаётган ютуқларни, жамиятимизга керакли инсон бўлаётганини кўриш олий бахтдир. Шундай экан, биз ҳаммисиз уларнинг келгуси ишларига омад тилаймиз.

Маросимда қасамёд қабул қилган судьяларга гувоҳномалар топширилди. А.МУСАЕВ

Инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва турли касалликларнинг олдини олишда дори воситалари муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун дори воситалари муомаласини мувофиқлаштирувчи тегишли қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилган.

Анжуманлар

СИФАТЛИ ДОРИ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИДИР

Мамлакатимиз аҳолисини сифатли, юқори самарадорликка эга бўлган безарар дори воситалари билан таъминлаш, қорхоналар томонидан ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, сақлаш, ташиш, сотувга чиқариш, қўллаш ва бошқа босқичлар меъёрлаштирилган ва мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги раҳбарияти иштирокида ўтказилган матбуот анжумани "Аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ислохотларнинг бош мақсадларидан бири" деб номланди.

Анжуманда маълум қилинишича, жорий йилда тиббиёт ташкилотларига дори воситалари сотиб олиш учун 914,6 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Шу билан бирга халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда, кўп қузатиладиган жиддий касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг янги

жадвали ҳам тасдиқланган. Бугунги кунда "Зомин-фарм", "Нукс-фарм", "Косонсой-фарм", "Бойсун-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бўстонлик-фарм", "Паркент-фарм" каби эркин иқтисодий зоналари рўйхатга олинган.

Мазкур ҳудудларда доривор ўсимликларни етиштириш ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 518,9 гектар ер майдони танлаб олинган ва вилоятлар ҳокимларининг тегишли қарори қабул қилинган.

Ушбу эркин иқтисодий зоналар ҳудудида қиймати 1361,1 миллиард сўмга тенг 30 лойиҳа амалга оширилди. Фармацевтика қорхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган дори-дармони етказиб бериш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ оилавий поликлиникалари ва бошқа бирламчи тиббиёт масканлари қошида ижтимоий дорихоналар ташкил этилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

XXI саҳоси аср
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тизимга дахлдор масалалар юзасидан келиб тушаётган аҳоли муурожаатларини кўриб чиқишга қаратилган очик мулоқотлар ўтказилди. Мулоқотлардан сўнг ташкил этилган сайёр қабулларда суд қарорлари ва ажримлардан норози бўлган, турли ижтимоий-иқтисодий масалаларда ҳуқуқий маслаҳат ва кўмак сўраб муурожаат қилган 200 дан ортиқ фуқаронинг муурожаати тингланди. Тадбир давомидаги тушунтириш ишлари тўғрисида 60 дан зиёд ажрашиш арафасида турган оила ярашди.

● Нукусда "Миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳалланинг ўрни" мавзуида форум ўтказилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси кенгаши бошқаруви томонидан ўтказилган форум доирасида иштирокчилар Бердақ номидаги миллий музейга саёҳат уюштирди. У ерда қорақалпоқ халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил этилди.

● Жиззах вилояти ҳокимлиги кўмагида 100 нафар нуруний Самарқанд вилоятига саёҳат қилди. Айниқса, нурунийларнинг Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуаси ва вилоятдаги бошқа муқаддас қадимжоларга зиёрати таассуротларга бой бўлди.

● Бухоро вилояти Олот туманидаги "Абдулхай Толибжонов. Давр" масъулияти чекланган жамиятига қарашли қорхонада сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳани амалга оширишда тадбиркор Толиб Соттиевга "Мухтор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги бўш турган бино "ноль" қийматда берилгани ва банк томонидан 180 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилгани кўл келди. Ушбу маблағ эвазига қорхонага хориждан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди.

ЖАҲОНДА

● Ёқутистон ўлкасида ўрмон ёнгинлари тобора авжига чиқиб, аҳоли яшаш пунктларига яқинлашиб қолди. Ҳозирда бу ерда Красноярск ва Хабаровскдан жалб этилган ўт ўчирувчилар турли-туман техника воситалари, жумладан, амфибия самолётларини ҳам ишга солган ҳолда ёнгинни жилавлашга ҳаракат қилмоқда.

● Тинимсиз ёмғир қуйиши натижасида юз берган ва уй-жойларни сувга бостириб, хатто кўприкларни ҳам қовиб кетган кучли сув тошқинлари боис Амур областининг учта районида фавқулодда ҳолат режими жорий этилди.

● Мисрнинг Александрия шаҳридаги қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудудда ичига учта мўмиёланган тана солинган жуда қадимий улкан саркофаг топилди. Ҳозирда олимлар ушбу ноёб топилма устида тадқиқот ишларини бошлаб юбордилар. Таҳминларга кўра, саркофагда ҳозиргача қабри топилмаган машҳур саркарда Александр Македонский ҳам дафн этилган бўлиши мумкин.



ИНТЕРФАОЛ МАШГУЛОТЛАР

у оилалар мустақамлигини таъминлашга
хизмат қилади

“Оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш” мавзуида бир ҳафталик ўқув курсини ташкил этиш олдидан семинар-тренинг ўтказилди. Унда “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ўқув курслари раҳбарлари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Машгулотда марказнинг худудий бошқармалари раҳбарларига жойларда ўқув жараёнларини ташкил этиш, амалий натижа ва самарадорликка эришиш усуллари, ҳамкор ташкилотлар билан ишлашда интерактив ёндашувлар, муаммони ечишнинг мақбул йўллари ҳамда инновацион ғоя ва ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида маслаҳатлар берилди, ўзаро тажриба алмашилди.

Мазкур ўқув курсларини ташкил этишдан мақсад вилоятларда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш бўйича мутахассисларнинг касбий билим ва қобилиятини оширишдан иборат, – дейди ЎЗА муҳбирига “Оила” илмий-амалий

тадқиқот маркази етакчи мутахассиси Малика Иноқова. – Бунинг учун оила институти соҳасига оид барча масалалар машгулотлар доирасида қамраб олинган.

Ҳафталик тадбирда “Менежментнинг моҳияти. Ташкилот фаолиятини бошқаришга нисбатан норматив талаблар”, “Бошқарув иерархияси. Бошқарув тушунчаси ва унинг функциялари классификацияси”, “Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари”, “Оилада шахслараро муносабатлар психологияси”, “Исомда никоҳ ва оиладаги низо-лар” каби мавзуларда интерфаол машгулотлар ўтказилиши режалаштирилган.

Гулноза БОБОЕВА

Футбол янгиликлари

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат XXVII миллий чемпионатининг 17-туридан кейин амалдаги чемпион “Локомотив” ҳужумчиси Марат Бикмаев яна тўпурақлар беллашувида карвонбоши бўлиб олди.

Айтиш жоиз, ушбу тур темирйўлчиларга омад келтирди. Ўз майдонларида азалий рақиблари “Насаф” билан куч синашган “Локомотив” командаси аъзолари 90 дақиқа давом этган баҳсда тўпни назорат қилиш, жамоадошига аниқ узатиш, рақиб жарима майдонида хавфли вазиятларни содир этиш бўйича тўлиқ устунликка эришишда ва муросасиз кечган ўйинни 3:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди.

Аслида ўтган йили ҳам биринчилик баҳсларида М.Бикмаев тўпурақлар беллашувида голиб чиққан эди.

Жорий йилги чемпионатда турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган “Пахтакор” бу сафар ҳам уч очкони қўлга киритди. За-

рафонда “Қизилқум” мекмони бўлган пахтакорчилар шиддатли курашларга бой, ҳужумкор кечган учрашувни 2:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал этишди. Дарвозаларга голларни “Қизилқум”дан – И.Нагаев, “Пахтакор”дан – Ж.Яхшибоев, Т.Безерра киритишди.

Турнинг қолган ўйинларида куйидаги натижалар қайд этилди: “Қўқон – 1912” – АГМК – 3:0, “Металлург” – “Бунёдкор” – 1:1, “Бухоро” – “Нефтчи” – 0:0, “Навбахор” – “Сўғдиёна” – 2:0.

МУТАХАССИСЛАРНИНГ МАЛАКАСИ ОШАДИ

Пойтахтимида футбол мураббийлари иштирокида навбатдаги семинар ЎФА ташаббуси билан уюштирилди.

ОФК ҳамда ЎФанинг мураббийлик лицензияларига эга пойтахтлик мураббийлар иштирокида ўтказилган семинар уларнинг касбий малакасини ошириш мақсадида ташкил этилди. Семинарда иштирок этган мураббийлар назарий ва амалий билимлари бўйича имтиҳон топ-

ширишди. Амалий машгулотлар доирасида мураббийлар билан майдонни тайёрлаш, болаларга кўрсатма бериш усуллари, футболчилар хатоларини кўрсатиш ва уларни тўғрираш борасида иш олиб борилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Божхона

ЯШИРИБ ЯНГЛИШИШДИ

Юртимизга ташқаридан сифати кафолатланмаган товар-моддий бойликларни импорт қилиш бўйича аниқ ва самарали тартиблар ишлаб чиқилган бўлиб, бунда энг аввало юртдошларимиз саломатлиги шунингдек, ички ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган.

Афсуски, амалдаги тартибларга риоя қилмай, натижада ички бозорни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётган “ишбилармон”лар ҳам йўқ эмас.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг “Келес” темир йўл чегара божхона пости ходимлари сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган товар-моддий бойликларни республикамизга ноқонуний олиб кирилишига чек қўйишмоқда.

Яқинда “Олмаота – Нукус” йўналишидаги поезд божхоначилар томонидан назоратдан ўтказилганда, кўшни давлатдан кириб келган фуқаро вагоннинг хуфия қисмларига умумий қиймати 250 млн. сўмдан ортққ ўн минг дона “мини флеш карталар” ва алкоголь маҳсулотларини яширган ҳолда юртимизга олиб киришга уринганлиги фош этилди.

Мазкур йўналишдаги поездни божхона назоратидан ўтказиш давомида яна бир қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, умумий қиймати 71 млн. сўмлик дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларини божхона чегарасидан яширинча олиб ўтилишига чек қўйилди.

Яна бир қонунбузар эса вагоннинг хуфия жойларига умумий қиймати 17 млн. сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмлари ва

тиббиёт буюмларини яширганча юртимизга олиб ўтмоқчи бўлган экан. Аммо унинг бу уринишлари самарасиз яқунланди.

Шунингдек, “Олмаота – Тошкент” йўналишидаги халқаро қатнов поездининг йўловчилари ва уларнинг юклари божхона назоратидан ўтказилганда фуқаро А.Н. вагоннинг шифт қисмига қиймати 77 млн. сўмдан ортққ 4644 дона кўз линзаларини яширганча юртимизга олиб кирмоқчи бўлганлиги фош этилди.

Ушбу поездда юртимизга кириб келган фуқаро Т.Г. эса сифати кафолатланмаган, қиймати қарийб 26 млн. сўмлик, 11 турдаги 145 дона “Озик-овқатга биологик актив қўшимчалар”ни ноқонуний олиб кирганлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда юртдошларимиздан божхона қоидабузарликлари ёки божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг 120-76-71 – “Ишонч телефони” рақамига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказида “Таълим муассасалари раҳбар ходимлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қондаларига риоя этиш” мавзуида семинар ўтказилди.

ЗИЁЛИЛАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

Семинарда Касб-хунар таълими маркази раҳбари М.Холмухамедов ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўламли ишловлар амалга оширилаётгани, бу жараёнда коррупцияга қарши қатъий ва муросасиз кураш олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланганини алоҳида қайд этди.

Президентнинг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўз мазмун-моҳияти, мақсади билан мамлакатимида коррупцияга қарши курашишни янги босқичини бошлаб бергани алоҳида таъкидланди.

Шу боис барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам коррупцияга йўл қўйиб бўлмастлиги, раҳбар ва педагоглар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг қўламли тарғибот ишларини йўлга қўйиш, порахўрлик, тамағирлик, фирибгарликнинг мудҳиш оқибатлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Марказ томонидан коррупциянинг олдини олиш мақсадида қатъий чоралар кўрилаётган бўлса-да, ўқитувчи деган шарафли номга доғ тушириб, ўз касбига хиёнат қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатини ке-

чириб бўлмастлиги қайд этилди.

Семинарда прокуратура ва ички ишлар органлари тақдимномалари асосида Тошкент телекоммуникация технологиялари касб-хунар коллежи ходимлари устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилгани, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ҳамда Мирзо Улугбек туманидаги политехника касб-хунар коллежида содир этилган фирибгарлик билан боғлиқ жиноят тафсилотлари, мазкур ҳолатлар бўйича раҳбар ва ўринбосарлар, бўлим бошлиқлари эғаллаб турган лавозимидан озод этилганига ҳам муносабат билдирилди.

Жиноятларнинг содир этилишига раҳбар ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига қарши коррупцияга қарши кураш орасида ижтимоий соғлом муҳит шакллантирилмагани сабаб бўлаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Семинар сўнггида таълим муассасаларида коррупцияга қарши кураш борасида унинг ҳалокатли оқибатларидан ёшларни огоҳлантириш, бунда таъсирчан тарғибот воситаларидан фойдаланиш, тизим ходимлари орасида эса касбга садоқат туйғусини мустақамлаш, ҳар бир ноқонуний ҳаракат учун жазо муқаррарлиги, давлат ва жамият олдида маънавий жавобгарлик борлигини тушунтириб бориш ва галдаги вазифалар белгилаб берилди.

ЎЗА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ВА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ РАМЗИНИ (ГЕРБИНИ) ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ПРОФЕССИОНАЛ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов пойтахтнинг сайёҳлик салоҳиятини, инвестицион жозибадорлигини янада яхшилаш, яқиндан билишни ошириш ва мамлакат ичкарисида ҳам, хорижда ҳам визуал образни қўллашнинг замонавий методларидан фойдаланиш мақсадида ўтказилади.

Танловда тасвирий санъат, дизайн, графика, иллюстрация, реклама соҳасида ёки ушбу фаолиятнинг турдош соҳаларида билимга ёки профессионал тажрибага эга жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун куйидагилар зарур:

1. Танлов қоидалари ва техникавий топшириқлар билан <http://tashkent.uz/> сайти орқали танишиш.

2. Тошкент шаҳар рамзи (герби)ни ишлаб чиқиш ва ғоясини баён этиш.

3. График файлни ва матн баёнини ҳамда ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни gerb@gorod.uz электрон почта орқали жўнатиш. Жўнатма “Шаҳар рамзи (герби) танлови” деб кўрсатилиши шарт.

Танловга тақдим этиладиган ишлар 2018 йилнинг 18 август куни соат 24:00 гача қабул қилинади. Танлов 2018 йилнинг 25 августидан яқунланиб, унинг натижалари Тошкент шаҳри ҳокимлигининг сайтыда эълон қилинади (<http://tashkent.uz/>).

Танловнинг мукофот жамғармаси 10 000 000 (ўн миллион) сўм ва танлов ҳомийларининг қимматбаҳо совғаларидан ташкил топган.

Танлов натижаларига кўра битта голиб, иккинчи ўринни эгаллаган иккита совриндор ва учинчи ўринни эгаллаган учта совриндор аниқланади. Танлов голиблари ва совриндорларини аниқлаш Танлов комиссияси аъзоларининг очик овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Маълумотлар учун телефон: (+99897) 333-44-45.

Email: gerb@gorod.uz

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти “Темир йўл обод” мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь зотига тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўшти қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқариш)ни сотиб олиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифларини қабул қилади. Манзилимиз: Tashkent sh., 100060, T.Shevchenko ko'chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.

Тошкент давлат техника университети томонидан Султонов Алихон Аширович номига берилган № 0581 рақамли рейтинг дафтаридаги йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ВА “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

(Газетанинг навбатдаги сони 7 ноябрда чиқиди).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@uamail.uz

Буюртма Ғ-735

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқиди
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳақми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5313 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 01.35